

---

## “ЁШ КИТОБХОН” ТАНЛОВИНИНГ ТУМАН БОСҚИЧИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Бугун Қалъа маҳалла фуқаролар йиғинида “Ёш китобхон” танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Мазкур маҳалла ёшлар етакчиси Илҳомжон Муллоевнинг маълумотига кўра, мазкур танловда 10-14,15-19, 20-30 ёш тоифасидаги китобхонлар иштирок этдилар.

Ёшлар етакчисининг сўзларига кўра, ушбу танловда Қалъа маҳалла фуқаролар йиғини ёшлари ҳам фаъл иштирок этиб, 10-14 ёш тоифасида Ойсанам Набижонова ва 20-30 ёш тоифасида Хисравжон Мамашарипов фахрли 1-ўринни эгаллаб вилоят босқичига йўлланмани қулга киритдилар. Ғолиб ёшларга туман Ёшлар ишлари Агентлиги томонидан диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook | Telegram | Telegram murojaat | Youtube | Instagram](#)

2022-10-31 16:47:59